

ФИДОЙИ МЕХРИБОН – УСТОЗ

ХОЛМУМИНОВ ХУСАН ЭШМЎМИНОВИЧ

*Термиз давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси мудури,
тарих фанлари доктори (DSc), доцент*



***Устозлар-бамисоли қўёшга ўхшайди,
Доимо шогирдлар йўлини ёритиб туради
(Донолар ўғитидан)***

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори Турсунов Сайфулла Нарзуллаевичнинг инсоний фаилатлари илмий ижодий фаолияти, Сурхондарё тарихи мактабида тутган ўрни ҳамда устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида кўплаб илиқ фикрларни айтсак арзийди. Сайфулла Нарзуллаевичнинг узоқ йиллик илмий меҳнат фаолиятида илм-фан ривожига ҳамда устоз-шогирдлик анъаналарида ҳам кўпчиликлка ўрнат бўладиган илмий ижодий ишлари таҳсинга лойиқдир.

Сайфулла Нарзуллаевичнинг илмий – ижодий ишлари хусусида сўз борар экан, устознинг кўпчилик учун намуна бўладиган ҳамда ҳамма ҳавас қиладиган ижобий хислатлари жуда кўп бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Термиз давлат университетининг асосий локомтивларидан бири ҳисобланадиган “Жаҳон тарихи” кафедраси фаолиятининг йўлга қўйилиши ва илмий салоҳиятининг ривожланишида ҳамда салоҳиятли олимларнинг устоз-шогирдлик анъанасида етишиб чиқишида катта ҳиссаси бор. Бугунги кунда кафедрамизда 21 нафар проф-ўқитувчилар фаолият олиб бораётган бўлса, шундан 3 нафар фан доктори профессор, 12 нафари фан номзодлари ва

доцентлар мавжуд бўлиб, бу олимларнинг барчаси Сайфулла Нарзуллаевичнинг илмий мактабининг маҳсуллари бўлиб ҳисобланади.

Сайфулла Нарзуллаевичнинг Тарих факультети Жаҳон тарихи кафедрасини 2002 йилдан буён бошқариб келди ва шу давр мобайнида кафедра салоҳияти ва нуфузини нафақат Республика миқёсида балки дунё миқёсида кўтарилишида муҳим ишларни амалга оширди. Жумладан шундай илмий соҳадаги ҳамкорликлар туфайли бугунги кунда, Англия, АҚШ, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари билан биргаликда илмий ҳамда грант лойиҳалар устида кенг қўламли ҳамкорлик ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Сайфулла Нарзуллаевичнинг Термиз давлат университетида тарих йўналишида илмий салоҳиятни янада ошириш ва олимлар сафини янада кўпайтириш Ўзбекистон тарихи ва Этнография, этнология ҳамда антропология ихтисосликларида Илмий Кенгаш фаолиятини ташкил этилишида ўзига хос муносиб ўрни бор. Жумладан ушбу кенгашда фаолияти самарали тарзда ташкил этилганлиги боис, бугунги кунда юзлаб тадқиқотчи, докторантлар ва мустақил изланувчилар тарих фанлари бўйича

фалсафа доктори илмий даражалари олишга муваффақ бўлишмоқда. Шунингдек, тадқиқотчилар, докторантлар илмий ишларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан рўйхатда олинган Сурхондарёда илм фан илмий журналининг таъсисчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда Жаҳон тарихи кафедраси ҳурматли устозимизнинг табарруқ 70 ёшга кирганлиги нишонлаш арафасида у кишининг ҳаёт йўли, илмий, педагогик, ташкилотчилик, мураббийлик фаолияти ҳақида дил сўзларини битар эканмиз, барчамизга сабоқ бўладиган кўплаб яхши хайрли ишларни амалга оширганлигига гувоҳ бўламиз.

Сайфулла Нарзуллаевичнинг яхши серқирра устоз-шогирдлик фаолиятида энг кўп маротаба эсда қоладиган муҳим ишларидан бири бу албатта илм қиладиган шогирдларни доимо қўллаб-қувватлаб келганлигидир.

Устозимиз Сайфулла Нарзуллаевичнинг барчага қилган эзгу яхшиликлари каби менинг касбий фаолиятимнинг бошланишида ҳамда бугунги кунда фан доктори илмий даражасига етишимда устознинг жуда катта ҳиссалари бор. Мен 2000 йилда Жаҳон тарихи кафедрасига ишга келганман. Ёш ўқитувчи сифатида меҳнат фаолиятимни энди йўлга қуйиб университетнинг тартиб қоидаларига энди тушиб бошлаган эдикки, тўсатдан кафедрамизга штат қисқариши келиб қолди. Белгиланган тамойилга кўра энг охирги ишга қабул қилинганлигим учун каминага менга ушбу чек тушишига тўғри келди.

Кафедра оқсоқоллари маслаҳатлашиб, Ҳусанбой сиз ёш ўқитувчиларимиздансиз, илмий ишларни бошлаб йўлга қуйиб олишингиз учун, сизга бир йиллик илмий таътил олиб берамиз, илмий ишни бошлаб оласиз, кейинги укув йилига қадар яна соатлар кўпайса, чораси топилиб қолса, кафедрада ишни давом эттирасиз деб тасалли беришди. Менинг эса қулоқларим ҳеч нарсани эшитмас эди, ичимга гўёки бир челақ сув қуйилгандай бўлди, нахотки, шу баҳоналар билан мени кафедрадан

узоқлаштирмоқчи кейинги фаолиятим қандай бўлади, энди ишимни қаерда давом эттирсам бўлади.. Ноилож лаш-лушларни олиб, Тошкент шаҳрига илмий иш қилиш учун жўнадим, лекин ичимда бир чуқур ўй фикр бор эди, қайтиб келсам мени ишга олармикан, ёки дарс соатлари йўқ дейишиб, қайтариб юборармикан, нахотки барча орзумидларимиз хотимаси шу бўлса.

Хуллас, бир йил ҳам ўтиб, 2002 йил август ойларида университетга келсам Сайфулла Нарзуллаевич, “Археология-этнография кафедрасини” ташкил этганлигини, ёш ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилаётганини эшитиб қолдим. Минг истиҳола билан қабулига кирдим ва мен билан илмий ишларим ва олдимга қўйган режаларим хусусида обдон суҳбат ўтказди. Шундан сўнг, сиз Жаҳон тарихи кафедраси ҳисобидан илмий таътилга чиққан бўлсангиз ҳам мен сизни ўзимнинг кафедрамга ишга оламан деди. Сайфулла Нарзуллаевичнинг ёш тадқиқотчиларга, олимларга нисбатан ота-оналар каби меҳр муҳаббатини ва эътибори уларга қанчалик ҳурмат кўрсатиш каби чин инсонийлик фазилатларини ўшанда гувоҳи бўлдим ва чексиз ҳурматим яна бир неча мартага ортди. Менинг илмий фаолиятимни бошлашимда, олимлик даражасига етишимда ота-оналардек ғамхўрлик қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб берган энг биринчи устозим албатта Сайфулла Нарзуллаевич бўлади. Устозимизнинг ёш олимларга бўлган бундай самимий меҳрибонлик кўрсатиш каби эзгу ишларининг сан-саноғи йўқ ва доимо у киши шогирдларни қўллаб-қувватлаб уларга маънавий ва руҳим далда бўлиб турган.

Бугун Сайфулла Нарзуллаевичнинг битта шогирдини илм йўлини эгаллашидаги амалга оширган олийжаноб ишларидан бири хусусида фикрлар айтдик. Бундай хайрли ишлар устозимизнинг фаолиятида яна бир қанча юзлар ишларни ташкил этади. Демак том маънода ҳақиқий устозлар мана шундай бўлади. Яъни улар бамисоли қуёш кабидир, доимо шогирдлар йўлини ёритиб туради.

Мана шундай ажойиб айём арафасида

шунинг мамнуният ила айтмоқчиманки, бизнинг олимлар даражасида етишиб улғайишимизда, устозларнинг ота-оналардек самимий таълим-тарбиянгиз ўрни алоҳида саналади. Устозларга бундай эҳтиромлар учун доим таъзимдамиз. Шу боис устозларни ота-оналарга қиёслаши ҳам бежизга эмас. Ота-она инсонни дунёга келтирса, устоз эса ҳаёт йўлини танлашда, том маънода камолга етган шахс сифатида

улғайишида муҳим ўрин тутади.

Устоз яна бир бор муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин, бутун кафедрамиз жамоаси номидан яна бир бор қутлаймиз, доимо бизга бош бўлиб шогирдлар ардоғида бўлиб юринг, насиб бўлса келгусида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги илмий унвонига эга бўлишингизга тилакдошмиз.